

IMPROVEMENT OF INNOVATIVE STRATEGIC MANAGEMENT AT OIL AND GAS ENTERPRISES

Ishmanova Dinora Nurmukhammad qizi¹
Tashkent State Economic University, base doctorate
Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49
E-mail: dinarishmanova@gmail.com

Abstract: This article discusses the issues of improving the innovative strategic management of oil and gas enterprises in Uzbekistan, thereby increasing the efficiency of enterprises in the industry.

Key words: oil and gas enterprises, innovation strategy, competition, investment, monopolistic industries.

НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ишманова Динора Нурмамад қизи¹
¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 49
E-mail: dinarishmanova@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда нефть-газ корхоналарини инновацион стратегик бошқаришни такомиллаштириш ва шу тариқа тармоқ корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: нефть-газ корхоналари, инновацион стратегия, рақобат, инвестиция, монополь тармоқлар.

Кириш

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳаларини уйғун ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Ҳозирги кунда Энергетика ва Молия вазирликлари «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метан негизда синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаси бўйича 2,3 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни молиялаштириш шартларини белгилаш бўйича маълум бир механизмни жорий этиш, «Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» лойиҳаси бўйича «Газпромбанк»нинг 300 миллион долларлик кредитини жалб қилиш вазифаси юклатилди. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртаннефтьгаз ва Газлинефтьгаз корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб чиқариш, геологик қидирув ускуналарини сотиб олиш каби лойиҳаларга талаб этиладиган маблағларни мамлакатимизнинг еврооблигациялари ҳисобидан молиялаштириш лозимлиги таъкидланди. Геологик қидирув ишлари мураттаб бўлган ҳудудларга

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корхоналарида инновацион стратегик бошқаришни такомиллаштириш, унинг мазмуни ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўрганган бир қатор олимлар бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича турли хил фикрларни билдирганлар.

И. Ансофф, А. Чандлер и Г. Минцберг каби олимларнинг режалаштириш назариясига кўра стратегия тизимни таъқиб этар экан, натижа самарасиз бўлаверади. А Чандлер фикрига кўра, стратегия корхонанинг асосий узоқ муддатли мақсад ва вазифаларини белгилаш, шунингдек, тадбирлар ва ресурсларни тақсимлаш дастурини ишлаб чиқиш, ушбу мақсадларга эришиш учун керак [2].

Генри Минцберг "биз ўз ҳаракатларимизга қатъий ишонганимизда одатда юқори натижаларга эришамиз. Корхона учун стратегиянинг муҳимлиги: уни қабул қилиш асосий муаммоларни бартараф этади ва энг асосийси менеджер энг яхши бозорни танлашни муҳокама қилиш ўрнига, батафсил маълумотларга эътибор бериши ва муайян мақсадларни танлаши ёки мижозларга хизмат кўрсатишни танлаши керакдир [3].

В.Квинт фикрича стратегик бошқарув – бу стратегиялаш объекти фундаментал қимматининг шаклланиши ёки кўпайишига ёрдам берувчи стратегик бошқарув тизимининг шаклланиши ва ишлаши жараёни бўлиб, у стратегия, унинг доктринасини унда белгиланган миссиялар, устуворликлар, мақсад ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва узоқ муддатли реализациясини амалга оширишни ўз ичига олади [4].

Нефть-газ саноати самарадорлиги иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолияти билан бевосита боғлиқ. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, истиқболда энергия ресурсларига бўлган талабнинг кескин ошишини инобатга оладиган бўлсак, тармоқни барқарор ривожлантириш бўйича ислохотларни жадаллаштириш зарурати янада ошади. Ўзбекистон нефть-газ саноати бугунги кунда жадал суръатларда ривожланиб бораётган ва инновацион жараёнлар кенг жорий қилинаётган иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Маълумки мамлакат инвестиция сиёсатининг мақсади биринчи навбатда иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида инновацион фаолликни, яъни тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга устуворлик беришга асосланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида Республикамизда нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқаришни такомиллаштиришни ўрганиш мақсадида мақоланинг кириш қисмида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришнинг мушоҳада усулларида, таҳлил ва натижалар қисмида "Ўзбекнефтегаз" АЖти томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар асосида иқтисодий-статистик анализ ёрдамида статистик гуруҳлаш, мавзуга оид адабиётларни таҳлил этишда монографик тадқиқот этиш усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, нефть-газ саноати соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 30 июндаги «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти бошқарув тизими такомиллаштирилди [5].

Тармоқнинг экспорт салоҳияти таҳлил қилинар экан, бу борада фақат газга боғланиб қолмасдан, углеводородларни чуқур қайта ишлаш асосида экспорт ҳажмини ошириш зарурлигига аҳамият қаратиш лозимлиги масаланинг ечимига асос бўла олади. Монопол тармоқни давлат томонидан тартибга солиш мақсадида, тарифларни бозор тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш, нефть базалар ва ҳудудий газ таъминоти хизматларини босқичма-босқич давлат-хусусий шериклик асосида, жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини инвесторларнинг ишончли бошқарувига бериш бўйича аниқ чоралар ҳам назарда тутилиши кераклиги давлатимиз раҳбари томонидан ҳам таъкидланди.

Углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтиришнинг 2021 йилгача бўлган дастури ва уни амалга ошириш механизмлари тасдиқланди. 2017 йилда нефть ва газ конденсати қазил, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режа бажарилмаган. “Ўзбекнефтегаз” АЖ таркибидаги нефть ва газ қазиб чиқариш, газни транспортировка қилиш учун инфратузманинг етарли эмаслиги юқорида келтирилган муаммога сабаб бўлаётганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида “Ўзтрансгаз” АЖнинг инфратузилмаларини такомиллаштириш керак деган таклифни илдам суради. (1-жадвал).

1-жадвал

“Ўзтрансгаз” АЖ инфратузилмаларига оид статистика

(01.01.2019 йил) ¹

№	Инфратузилма номи	Сони
1.	Газ хайдаш станциялари	25
2.	Газ хайдаш агрегатлари	252
3.	Газ тарқатиш станциялари	393
4.	Газ тарқатиш пунктлари	101317
5.	Магистрал газ қувурлари (км)	13250,2
6.	Юқори босимли газ қувурлари (км)	13736
7.	Ўрта босимли газ қувурлари(км)	31651
8.	Паст босимли газ қувурлари(км)	85203
9.	Мавжуд эркин газ конлари	210
10.	Нефть конлари	125

Жорий йил ҳисобидан “Ўзбекнефтегаз” АЖ таркибидаги тармоқ корхоналарининг статистик маълумотларига асосланиб таҳлил этадиган бўлсак, нефть-газ корхоналари инфратузилмалари бугунги кунда, газ хайдаш станциялари 25 та, газ хайдаш агрегатлари 252 та, газ тарқатиш станциялари 393 та, газ тарқатиш пунктлари 101317 та, магистрал газ қувурлари 13250,2 км, юқори босимли газ қувурлари 13736 км, ўрта босимли газ қувурлари 31651км, паст босимли газ қувурлари 85203 км, мавжуд эркин газ конлари 210 та, нефть конлари эса 125 тани ташкил этади.

¹ “Ўзтрансгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

АҚШнинг Epsilon Development компанияси Ўзбекистонда газ қазиб олишга 5,2 миллиард долларлик инвестиция киритиши кутилмоқда. Аввалроқ, Америка компанияси Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида сезиларли харажатлар талаб қиладиган ҳамда ўзлаштириш қийин бўлган конларда газ қазиб олишини маълум қилди. Келгуси икки йил ичида Қўшма Штатлар ушбу ҳудудлардаги газ конларини ўзлаштиришга 2 миллиард доллар сармоя киритмоқчи.

Сўнгги йилларда мамлакатга 11,8 миллиард доллар инвестиция киритилди, ушбу миқдорнинг 73% нефть ва газ секторига йўналтирилди.

Табиий газ қазилар қувватлари ҳамда тарқатиш тармоқларини модернизация қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳам етарли даражада эмас. Бунинг оқибатида газ қазиб олишдан бошлаб, уни истеъмолчига етказиб бергунча ушбу табиий бойликнинг 6 фоизи йўқотилмоқда. Геология-қидирув ишлари давлат дастурига мувофиқ, янги конлар очиш орқали 2018 йилда табиий газ захирасини 57 миллиард куб метрга, нефть ва конденсат захирасини 3,6 миллион тоннага кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Жорий йилда 63 миллиард куб метр табиий газ, 3 миллион тонна нефть ва конденсат қазиб олишни таъминлаш учун 255 та янги қудуқ ва 26 та янги технологик объектни қуриш ишларини якунлаш, 76 та қудуқни капитал таъмирдан чиқариш лозимлиги қайд этилди. “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан 2 миллиард 756 миллион долларлик 24 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу маблағлар Жиззах нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этиш ва замонавий технологиялар билан таъминлаш, Қандим газни қайта ишлаш комплексининг 2-навбати ва Қандим конлар гуруҳини жиҳозлаш, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш, Сурхондарёдаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қидирув ишларини олиб бориш ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш каби лойиҳаларга йўналтирилади.

Нефть-газ саноати Ўзбекистон учун иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун давлат ушбу тармоққа ўз таъсирини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ушбу таъсир корхоналар мулкида давлатнинг тўғридан-тўғри улушини ошириш, шунингдек, лицензиялаш, солиқ ва кредит воситалари шаклида бўлиши мумкин (1-расм).

Бунда нефть-газ саноатини инновацион ривожлантириш стратегияси концепциясини амалиётга татбиқ этиш истиқболда мамлакат нефть-газ саноатини барқарор ривожлантиришга олиб келади ва пировардида мамлакат бюджети даромадлари ва валюта тушумларини кескин ошишига, шунингдек ҳудудларда замонавий саноат корхоналари қуриш ҳисобига қўшилган қиймат яратиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалишига имкон яратади.



1-расм. Нефть-газ саноатини инновацион ривожлантириш стратегияси²

Нефть-газ корхоналарини инновацион бошқарув механизмини таҳлил қиладиган бўлсак, нефть-газ саноатини стратегик бошқариш вазифаси ва механизмларидан келиб чиққан ҳолда тармоқни инновацион ривожлантириш стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва хом ашё базаларни жадал ривожлантириш асосида янги нефть ва газни қазиб олиш марказларини (Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона) шакллантиришга асосланади. Жумладан, нефть-газ саноати марказлари табиий нефть-газ хом ашёси кластерлари интеграцияси, қидирув, қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлашда замонавий инновацион технологияларни қўллаш бўйича илмий-техник ютуқларга эришиш, барча бўғинларда юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида шакллантириш лозим. Нефть-газ саноатини инновацион ривожлантириш стратегияси концепциясини расмда таҳлил қиладиган бўлсак, асосан мақсадни белгилаш, стратегик таҳлил, инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш омиллари ҳамда инновацион стратегия талаблари ўзвий боғлиқлик билан кўрсатилган.

Хулоса ва таклифлар

Нефть-газ тармоғида йиллар давомида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган. Захиралар етарли даражада ошириб борилмагани сабабли 2017 йилда табиий газ қазииш ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози етарли даражада бажарилмаган. Геология-қидирув жараёнидаги бурғилаш ҳажми бўйича прогноз 77 фоизга бажарилган. Агар бу ишлар тўлиқ адо этилганида захирани янада ошириш мумкин бўлар эди. Шунингдек, эксплуатацион бурғилаш ишлари прогнози 49 фоизга ва қурилиши тугатилган қудуқлар сони прогнози 53 фоизга бажарилган, холос [6].

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг ярмидан кўпи нефть-газ соҳаси ҳиссасига тўғри келишини таҳлил қилган ҳолда, сарфланган ҳар

² Муаллиф ишланмаси

бир доллар иқтисодий фойда келтириши зарурлиги билишимиз лозим. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан, маҳсулот тақсимлаш келишувлари ва қўшма корхоналар шартларини қайта кўриб чиқиш, нефть-газ корхоналарининг логистика йўналишларини диверсификация қилиш, хом ашё импорти ва маҳсулот экспорти нархларининг арзонроқ бўлишини кафолатлайдиган транспорт йўлаклари ва тарифларини аниқлаш лозим.

Истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришда йўқотишларга йўл қўйилаётгани газ тақсимлаш тизими жисмонан эскирганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишида келтираётган илмий янгиликлар тармоқларга жорий этилиши лозимлигини тақзо этмоқда. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда юқори ва ўрта босимли газ тақсимот тизимини ривожлантириш, автотранспортларни газга ўтказиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш лозим.

Шунингдек, нефть-газ корхонаси иқтисодий барқарорлиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга асосланиб, қийматларнинг ҳаракати даражасида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш нафақат сарфланган захираларни тўлдириш, балки уларнинг ҳажмини, ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қиймати ва сифатини ошириш учун етарли бўлган қўшимча қиймат олишни таъминлаши лозим.

Шу нуқтаи назардан, ҳар бир нефть-газ корхонасида иқтисодий барқарорликни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Нефть-газ иқтисодий барқарорлигини таъминлаш дастури иқтисодий барқарорликни таъминлаш чоратадбирларининг кўп пағонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқилиши лозим. Нефть-газ корхонасининг иқтисодий барқарорлигига эришишнинг муқобил йўллари давлат шерикчилиги асосида инвестицион лойиҳалар тадбирларини ресурслар билан таъминлаш ва улар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро боғланган бўлиши лозим.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб кўзланган дастлабки ва асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларни ечимини топиш учун, табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, товар, хизматларга шаклланадиган нархлар(тарифларни) шакллантириш, нефть-газ тармоқ корхоналарини бошқарувда давлат томонидан назоратни секин асталик билан камайтиришдан ва тармоқ корхоналарини монополиядан чиқаришдан иборатдир.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev raisligida "O'zbekneftgaz" aksiyadorlik jamiyati tizimida geologiya-qidiruv va qazib olish ishlari samaradorligi, yoqilg'i materiallari bilan ichki ehtiyojni ta'minlashning ahvoli, tizimdagi istiqbolli vazifalar ijrosiga bag'ishlangan yig'ilish. 25.01.2019.
2. Ansoff I., Strategicheskoe upravlenie. — M.: Ekonomika, 1989.
3. Genri Minsberg, Bryus Alstrand, Jozef Lampel Strategicheskoe safari: Ekskursiya po debryam strategicheskogo menedjmenta; Per. s angl. — M.: Альпина Pablisher, 2013. — 367 s.
4. Kvint V. Strategicheskoe upravlenie i ekonomika na globalnom formiruyushemsya riynke. — M.: Biznes-Atlas, 2012 — 627 s.

5. Neft-gaz sohasining boshqaruvtizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017 yil 30 iyundagi PQ-3107-sonli qarori

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev raisligida “O'zbekneftgaz” aksiyadorlik jamiyati tizimida geologiya-qidiruv va qazib olish ishlari samaradorligi, yoqilg'i materiallari bilan ichki ehtiyojni ta'minlashning ahvoli, tizimdagi istiqbolli vazifalar ijrosiga bag'ishlangan yig'ilish. 25.01.2019 yil.